

бадий услубларда ҳам қўлланади. Аммо бу фикрдан барча терминлар ўзининг «махсуслик» хусусиятидан, яъни тор мутахассислар нутқига хослик белгисидан маҳрум бўлиб, адабий тил лексикасига ўтиб, оммалашиб кетаверади деган холоса чиқмайди. Терминларнинг маълум катта бир қисми ўзининг тор мутахассислар нутқига хослик хусусиятини доимо сақлади [1:54].

Замонавий шароитда илмий-техник ва технологик ютуқларнинг жамият ҳаётига кенг татбиқ қилинаётгани терминларнинг қўлланиш доирасини кенгайтироқда. Шунингдек, махсус терминологик луғатлар миллий тил луғат бойлигини тўлдиришнинг мұҳим манбаларидан бирига айланди. Жумладан, компьютер технологияларига оид кўплаб терминлар бугунги ёшлар нутқида фаол қўлланувчи сўзларга айланган. Айримлари сўз ясалиши жараёнларига ҳам қўшилиб ултурган. Шунингдек, теминологик лексиканинг маълум ижтимоий табақа вакиллари нутқига хосланиши ҳам кузатилади [4]. Бу жараён детерминологизация жараёни ҳисобланади.

Тил билимининг билимдонлари, бадий сўз усталарининг маҳорати туфайли ҳам терминларнинг бадий нутқда қўлланиш даражаси ортади. Улар кўпинча метафора даражасига ҳам кўтарилиши мумкин. Бу тилдаги лексик-семантик аккумуляция ҳодисаси билан узвий боғлиқ [10].

Тил соҳиблари томонидан терминларнинг фаол қўлланиши бир томондан уларнинг ноадабий тил доирасига кириб қолишига ҳам сабаб бўлади. Шу туфайли изоҳли луғатларда уларга тегишли “махсус” изоҳи тушириб қолдирилади.

Бадий услубнинг ўзига хос жиҳатларидан бири барча услуб материалларидан ўз ўрнида фойдаланиш мумкинлиги билан характерланади. Айниқса, муайян муаллиф ўзининг индивидуал услубини ҳам яратиши мумкин. Шу сабабли ҳам бадий услуб баъзан аралаш услуб деб ҳам номланади. Газета ва журнallар, интернет нашрларида кузатувчиларнинг эътиборни тортиш учун ҳам сўзлашув услугига хос бирликлар фаол қўлланиши мумкин.

Ёзма нутқнинг стиллари тилнинг тасвирий ифода воситалари (ўхшатиш, сифатлаш, метафора, жонлантириш в. б.)га бўлган муносабатида турличадир. Масалан, расмий-хужжат стили (фармон, дипломатик алоқа нутқлари, ариза в. б.)да тасвирий воситалар умуман ишлатилмайди. Илмий стилда эса образлилик учун хизмат қилмайди. Логик форма билиш воситаси сифатида хизмат қиласди. Бадий стиль эса тасвирий воситалар орқали иш кўради. Шунинг учун тасвирий воситалар қатнашмаган бирорта ҳам бадий асар йўқ [9].

Ҳозирги кунда ахборотларни тушуниш ва қабул қилиш жараёни алоҳида муаммо сифатида қаралмоқда. Ахборот бор, лекин уни етарли даражада тушуниш (когниция) ва талқин қилиш (интерпретация) муаммолари кўзга ташланмоқда. Профессионал нутқ маданияти тушунчаси кенгаймоқда. Терминлар бир жиҳатдан тушунчанинг тўлиқ ифодаланишига ёрдам берса, иккинчи томондан, тушунарсизлиги туфайли умумий когнитив фаолиятга салбий таъсир қиласди. Илмий матнларнинг асосий мақсади

ахборотни бир маъноли қилиб етказишdir. Илмий насрнинг белгилари ҳам шу устувор вазифа – аниқлик ва мантиқий изчиллик асосида тузилади.

Ахборотларнинг кўпайгани етмаганидек, қоришиқ ва алоҳида майда соҳаларнинг юзага келаётгани терминларнинг ҳам семантик ва миқдорий жиҳатларига таъсир қилмай қолмайди. Бундан ташқари тил услубларида ҳам терминлар турлича семантик ва функционал вазифаларни бажаради.

Қадимги дунё нотиқлигига асосий учта услуга ажратиб кўрсатилган: осиё услуги, аттика услуги ва родос услуги. Улар бўёқдорлиги, қуруқлиги ва ўртачалиги билан фарқланган. Улар шунингдек, олий, ўрта ва қуий услуга деб ҳам номланади. Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам Алишер Навоий ижодида кузатиладиган услуга – Олий услуга деб аталади. Лексика ва синтаксиснинг мураккаб ва ҳашаматлилиги, матн мавзуси ва ғояси талқини мажоз пардаларига қаттиқ ўралганлиги туфайли Ёқубжон Исҳоқов бу услугни “олий навоиёна услуга” деб атайди [6]. Ўзбек адабиётида услуга масаласига А.Рустамов, Ё.Исҳоқов, А.Ҳайитметов, Г.Абдураҳмонов, Х.Орасли, А.Қурбонов каби олимлар эътибор қаратиб ўтганлар.

Бадиий матн яратишка ижодкор ўз бадиий ниятига мос ҳолда тилнинг барча имкониятларидан кенг фойдаланади. Бу жараёнда ижодкорга тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик сатҳлари ёрдамга келади. Табиийки, экспрессивликни ифодаланишида тилнинг барча сатҳ бирликлари иштирок эта олса-да, лексик сатҳ бирликлари бу борада алоҳида ўринга эга. ... Терминлар бадиий матнда ўринлашиб, нутқнинг тўла англаниши учун зарурий информацияларни бериш, тингловчи ёки китобхон учун ноаниқ бўлган ўринларга аниқлик киритиш, изоҳлаш, эслатиш, ҳистийғуларни ифодалаш каби мақсадларда қўлланилади. Муаллиф мақолада Асқад Мухтор асарларидан фойдаланган ҳолда мисоллар келтиради [8].

Илмий матнларда терминлар бевосита номинация вазифасини бажаради, муайян концепт ёки объектни аниқ ифодалашга қаратилган бўлади.

Услубий нуқтаи назардан терминлар бирор эмоционал бўёқни бериш учун қўлланади, матнга маданий ва индивидуал колорит беради. Терминларнинг қўлланиш фаоллиги матн мазмунига боғлиқ.

Терминлар қуийдаги матнларда қўлланади:

- 1) илмий матннинг изчиллик ва аниқлик белгиларини сақлаган бадиий матнда;
- 2) маҳсус илмий мавзу мазмунга алоқадор бўлган, бироқ тизимлилик сақланмаган, илмий матн белгиларини талаб қилмайдиган матн;
- 3) илмий матннинг бирор терминологик майдонини акс эттирмайдиган матн, бунда терминлар прагматик вазифа бажариши билан хартерланади.

Илмий бўлмаган матнларда терминларни унинг синоними ёки изоҳи билан бериш кўп кузатилади.

Терминлар учун энг очиқ услублардан бири публицистик услубдир. Илмий терминологик қатламга оид сўзлар бу ерда ҳиссий-таъсирий бўёқддор воситаларга